



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 20 июл, сешанба №97 (744)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Шу йил 19-20 июл кунлари Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган «6+2» гуруҳининг юқори даражадаги учрашувига тақдир этиб 1999 йил 12 июлда йўллаган мактубингиз учун ташаккур.

Сизни мамлакатингиз пойтахтида «6+2» гуруҳи аъзоларининг юқори даражадаги учрашувини ўтказиш борасида келишувга эришилгани билан табриқлайман. Сиз Жаноби Олийлари бу учрашувни ўтказиш учун жуда кўп вақт ва куч сарфлаганингиздан хабардорман ва бунинг учун Сиздан миннатдорман. Ишончингиз комил бўлсинки, мен бу учрашувнинг муваффақиятини таъминлашда Сиз билан ҳамкорликка тайёрман. Тошкентга шу кунлари шахсан ўзим бора олмаслигим сабабли, учрашувда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан Махсус вакилим, элчи Лахдар Браҳими иштирок этади.

Афғонистондаги фуқаролар уруши узоқ вақтдан буюн давом этмоқда. Мен Сизнинг Афғонистон можароси бу минтақадагина эмас, ундан ташқари ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани борасидаги ташвишнингизга шерикман. Сизнинг бу низо фақат сиёсий музокаралар йўли билангина ҳал этилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрингизга тўла қўшиламан. Шу муносабат билан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги фаолиятини, хусусан, менинг Махсус вакилим, элчи Браҳими фаолиятини қатъий қўллаб-қувватлаганингиз учун Сиздан миннатдорман.

Қамоли эҳтиромимни қабул этгайсиз, Жаноби Олийлари.

Кофи АННАН,  
БМТ Бош Котиби.

### Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф Жаноби олийларининг номаси

Тошкентда ўтказилаётган «6+2» гуруҳининг мазкур учрашуви Афғонистондаги можарони ҳал қилиш низоюхтада муҳим ва долзарб эканидан далолат. Таассуфки, йигирма йилдан бери Афғонистонда тинчлик йўқ. Бу давр мобайнида Афғонистон халқи бошига мислсиз азоб-қувбатлар тушди, уруш мамлакатни вайрон қилди. Мана энди халқро ҳамжамият Афғонистонда тинчликни тиклаб, бу мамлакатнинг иқтисодий инфратузилмасини оёққа турғазингиз учун ўз саъй-ҳаракатини қиллаштириш лозим бўлган вақт келди.

Мен раҳбарлик қилаётган ҳукумат Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишингиз тўла тарафдоридир. Покистон ўз ташаббусларини илгари суршидан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ислом Конференцияси Ташкилоти билан тинчлик жараёнини амалга оширишда кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биз Афғонистон муаммосининг сиёсий ечимини қидиришга бағишланган «6+2» гуруҳи фаолиятини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари раҳбарлигида ўтаётган «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатиш бўйича барчамизнинг ҳамкор саъй-ҳаракатларимиздаги муҳим босқич бўлади.

### Афғонистон муаммоларига бағишланган «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви иштирокчиларига

Тожикистон қўшни Афғонистонда тинчлик, миллий тотувлик ва барқарорлик ўрнатиш масалаларига алоҳида муҳим аҳамият беради. БМТ шафёлигида ўтказилаётган Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш йўллари кидиришга қаратилган «6+2» гуруҳида иштирок этаётган мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари самарали бўлади ҳамда жафокаш афғон заминини тинчлик қарор топишига кўмаклашди, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Афғонистондаги барча қарама-қарши томонларни бахсли масалаларни қурол шилатиш йўли билан ечишга интилишингиз самарасиз эканини идрок қилишга, жаҳон ҳамжамиятининг давватларига қўлқ солиб, музокаралар бошлашга чакирман. Ишончим комилки, бу қанча тез рўй берса, Афғонистон учун ҳам, бутун минтақамиз учун ҳам шунча яхши бўлади.

Мен жаҳон ҳамжамиятини Афғонистон муаммоларига эътиборни қўйиштириш ҳамда Тошкент учрашувида эришилажак келишувларни қўллаб-қувватлашга чакирман.

Сизга, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича ўтказилаётган Тошкент учрашувининг барча иштирокчиларига ушбу хайрли ишда муваффақият тилайман.

Имомали РАҲМОНОВ,  
Тожикистон Республикаси Президенти.

## ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ: АФГНИСТОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

19 июл кuni Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашуви бошланди. Бу гуруҳга Афғонистон билан чегарадош олти давлат - Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Ўзбекистон, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари ва Россия кирди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафёлигида ташкил этилган мазкур анжумани Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов очди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Афғонистондаги бугунги вазият айни вақтда нафақат мазкур мамлакатнинг, балки унга қўшни давлатларнинг, қолаверса бутун халқро жамоатчилиқнинг муаммосига айланган. Негаки, бугун бу тупроқда давом этаётган уруш балоси билан бирга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, диний экстремизм ва фанатизм, террорчилик хавфи минтақадаги барча давлатларга, бинобарин ялпи хавфсизликка жиддий таҳдид солапти. «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувидан мақсад Афғонистонда кечаётган уруш сабабларини шунчалик ойдинлаштириш эмас. У мазкур можарони тинч йўл билан ҳал этиш чораларини топишга хизмат қилади.

Учрашувда сўзга чиққан БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Л.Браҳими БМТ Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолаганини таъкидлади. У БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувини қўллаб-қувватлаб Президент Ислом Каримов номига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди.

Таъкидлаш керакки, «6+2» гуруҳининг ташкил топиши, унинг учрашувларини мунтазам ташкил этиш ўз-ўзидан бўлаётган иш эмас. У низоюхтада машаққатли ва оғир меҳнат маҳсулидир. Хусусан, бу жараёнда Ўзбекистон ҳукуматининг салмоқли хиссаси борлигини айтиш жоиз. Негаки, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши мамлакатимиз, қолаверса, бутун минтақа хавфсизлигини таъминлаш учун шароит яратди. Хавфсизлик ва барқарорлик эса тараққиётнинг энг муҳим шартидир.

Шу боисдан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Афғонистон муаммосига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб, бу масаланинг нечоғлик жиддий эканини алоҳида таъкидлаган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йилда бўлиб ўтган 50-сессиясида эса давлатимиз раҳбари Афғонистон муаммосини барқарорлаштириш борасида қатор амалий тақлифларни илгари сурди. Хусусан, бу давлатга қурол-яроғ қиритишни қатъий таъқиқлаш зарурлигини алоҳида қайд этди. Шунингдек, Ислом Каримов бошқа кўп халқро анжуманларда, турли давлатлар раҳбарлари билан музокараларда минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун энг аввало, Афғонистон



можаросини тинч йўл билан барқарорлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Анжуман низоюхтида «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан барқарорлаштириш» асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент Декларацияси имзоланди.

Учрашув якунида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда Л.Браҳими «6+2» гуруҳи учрашувининг бевосита Афғонистон жойлашган минтақа - Ўзбекистонда ўтаётгани муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Яна бир эътиборга молик томони шундаки, Тошкент учрашувида Афғонистондаги икки асосий гуруҳ «Толибон» ҳаракати ҳамда Афғонистон Бирлашган fronti вакиллари илк бор бир стол атрофида йиғилди. Шунингдек, қабул қилинган Тошкент Декларацияси Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги залворли қадам бўлганини қайд этди. БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили мазкур Декларация узоқ вақт мобайнида ишлаб чиқилгани ва ўзида Афғонистон заминини тинчлик ўрнатишининг асосий тамойилларини жамлаш билан бирга, эндиликда «6+2» гуруҳи аъзоларининг нуктаи назари ва қарашларини умумлаштирадиган муҳим ҳужжат сифатида ҳам амал қилишини айтди.

Дарҳақиқат, Тошкент Декларациясининг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. У «6+2» гуруҳига аъзо давлатлар ҳамда Афғонистонда низолашаётган томонлар учун тинчликка элтувчи ҳарита вазифасини бажаришга қаратилган. Матбуот анжуманида таъкидландики, Декларация сўнгги манзил эмас. У «Толибон» билан Бирлашган фронт ўртасида, шунингдек, улар билан «6+2» гуруҳи аъзолари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот йўлига қўйилишига асос бўлади. Афғонистонда низолашаётган гуруҳлар вакиллари бундай музокараларга тайёрлик билдириди. Демак, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни изчил давом этади, дея умид қилиш мумкин.

(ЎЗА)

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК - МИНТАҚАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи Тошкент учрашуви очилиши маросимида сўзлаган нутқи

Муҳтарам делегация раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Менга халқимиз, ҳукуматимиз ҳамда шаҳсан ўз номидан сизларни - мазкур учрашув катнашчиларини Ўзбекистон диёрида самимий қўллаб-қувватлашга юксак эҳтиромимни изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Биз бугун бу ерда юксак ва олийжаноб мақсад - жафокаш Афғонистон заминини кўпдан бери қўтилаётган тинчлик ўрнатиладиган кунни биргалликда яқинлаштириш учун тўпландик.

Тинчлик ва барқарорлик энг аввало, афғон халқининг орузи. Чунки бу халқ йигирма йиллик уруш, азоб-қувбат ва муҳтожликни бошидан кечирмоқда. Бу халқ ўзининг бутун тарихи ва мислсиз бардоши билан чинаяк ҳурмат ва ҳамдардлик уйғотади.

Фуқаролар уруши туфайли вужудга келган барқарор вазият аллақачон Афғонистон чегараларини охиб ўтиб, минтақадан анча нарида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бугун Афғонистон ва унинг атрофида юз бераётган халқро терроризм ва экстремизм муаммолари ҳам, наркотик моддаларни тарқатиш ва қурол-яроғ савдоси муаммолари ҳам, тобора таҳдидли тус олаётган исломий радикаллаштириш жараёнлари ҳам жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмай қолмайди.

Бугунги кунда Афғонистонда юз бераётган воқеаларни кузатиб турган ҳар бир кишини бу мамлакат аҳолиси, уни вайронгарчилик ва муҳтожликка маҳкум этган, иқтисодий ва кишилар ҳаётини ўнлаб йиллар орқага улқотириб ташлаган уруш ва қарама-қаршилиқ туфайли Ватандан жудо бўлган барча миллат ва эл таваққули такдири ташвишга солмай қўймайди.

Базми давлатларнинг Афғонистондан жўғрофий узоқлик ўзларининг хавфсизлигига таъсир қилмайди деган умидларни асоссиз эканини вақт кўрсатди.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Афғонистонда кўп йил давом этган танглик сабабларини аниқлаш ушбу анжуман вазифасига кирмайди, десам, фикримга қўйилсангиз керак. Ҳозирги вақтда энг муҳими Афғонистондаги вазиятни қайта-қайта таҳлил этиб, бир-бирига қарши қўриқлаётган томонларни яраштириш учун дастлабки қадам бўлиши мумкин бўлган ушбу эл-элас кўринаётган келишув омилиларини топишдан, янада аниқроқ айтганда - қарама-қаршилиқ ва урушни бундан кейин ҳам давом эттириш беъмаънилик эканлигини уларга кўрсатиб ва исботлаб беришдан иборатдир.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқларини кўп асрлик тарихий муштараклик анъанавий равишда бир-бирига боғлаб туради. Шунинг ҳам айтмоқчиманки, ўзбеклар ва афғонлар ўртасида ҳеч қачон ганимлик бўлмаган - Амурдәк неча юз

йиллар давомида бизни фақат бирлаштириб турган. Ҳозир ҳам бизнинг энг эзгу ва энг катта истагини миз тинч, барқарор ва хавфсиз Афғонистонни қўриқди. Биз Қобулда миллий тотувлик ва ички барқарорликни таъминлашга қодир бўлган, халқро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қилаётган ва чегарадош мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини таъминлашга қафолат берадиган барча томонлар вакиллари билан иборат нуфузли ва кучли ҳукуматни қўришни истаётимиз.

Афғонистон муаммосини тўғри ҳал этиш минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун, биринчи навбатда Марказий Осиёни қўшни ҳудудлар ва мамлакатлар билан боғлайдиган транспорт коммуникацияларига доир узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширишга зарур шарт-шароит яратиши ишга чинаяк омили бағишлаган бўлар эди.

Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусан БМТ шафёлигида «6+2» гуруҳини тузиш бўйича саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари ана шу ёндашувларга асосланган.

Катта маънуният билан таъкидламоқчиманки, бу гуруҳ қўсқа вақт ичинда афғон муаммосини ҳал этиш йўллари

(Давоми 2-бетда)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

19 июл кuni мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Дўрмон» қароргоҳида «6+2» гуруҳи учрашувида қатнашаётган Эрон делегациясининг раҳбари, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Завад Зарифни қабул қилди.

Юртбошимиз Тошкент учрашувида иштирок этаётгани учун Эрон делегациясига миннатдорлик билдириб, Афғонистонда тинчликни барқарор этиш Ўзбекистон учун муҳим масалалардан бири эканини айтди. Бу масалада Ўзбекистон ва Эрон қарашларида ҳамоханлик борлигини қайд этди. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Шу кун Ислом Каримов «Дўрмон» қароргоҳида мазкур учрашувда иштирок этаётган Покистон делегацияси раҳбари, Покистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ифтихор Муршид ҳам қабул қилди.

Сўхбат чоғида мамлакатимиз раҳбари

Покистон делегациясининг Тошкент учрашувидаги иштироки ушбу давлатнинг Афғонистонда тинчликни барқарор этиш масаласига катта эътибор билан қараётганидан далолатдир, деди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати делегацияси раҳбари, толиблар ҳукуматининг ахборот вазири мулла Аминхон Муллагий ҳамда ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Мавлави Абдурахмон Зоҳидни қабул қилди.

Юртбошимиз делегация аъзоларини Ўзбекистон заминига ташириши ва «6+2» гуруҳи мулоқотларида иштирок этаётгани билан қутлади. Тақлифимизни инкор этмасдан, учрашувда иштирок этаётганингизни ўзи қатнашадиган, деди Ислом Каримов.

Мулоқот чоғида Тошкент учрашувида қўрилган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида гап борди.

Қабул маросимларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Кишиларнинг моддий фаровонлигини ошириш ҳамда республика аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлири талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлири ўқувчиларининг стипендиялари ва ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

2. 1999 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи - ойига 1750 сўм;

ёшга доир пенсия - ойига 3340 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошлангич (нулинчи) разряд - ойига 1750 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 3340 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 2025 сўм миқдоридида белгилансин.

3. 1999 йил 1 августдан бошлаб барча турдаги пенсияларни ўрта ҳисобда 1,4 баравар ошириш уларни амалдаги қонунчиликка асосланган қайта ҳисоблаш кўзда тутилган ҳолда 1991 йил 1 январга қадар ҳамда кейинги йилларда тайинланган пенсиялар миқдорини тенглаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирилиги ва Молия вазирилиги ўн кун муддат ичида пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқиш тасдиқланган ҳолда барча турдаги пенсияларни оширишни муайян миқдорини белгилансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўйилган устима ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирилиги, Меҳнат вазирилиги, вазириликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Ва-

зирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мошолларини ўз вақтида қайта ҳисоблаш чикишини таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

7. Ҳужжат ҳисобидидаги қорхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий фонднинг

белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат чикимларини камайтириш ҳисобидан 1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти 1998 йил 25 ноябрдаги ПФ-2144 Фармони 7-банди истисно қилинган ҳолда ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 19 июл.



**«Ишонч» анкетасига  
«Бухоросут» хиссдорлик жамияти  
раиси Кахрамон БЕКМУРОДОВ  
жавоб беради**

1. Мустақиллик берган имкониятлар хақида нима дея оласиз?
2. Амалга ошираётган ишларингиздан кўнглингиз тўлаяптими?
3. Қайси муаммолар Сизни кўпроқ ўйлантирапти?
4. Мустақилликни мустақамлашга қўшаётган хиссангиз ўзингизни қаноатлантираптими?



# ЮРТИМИЗДА КУНДА БИР ЎЗГАРИШ

1. Мустақиллик, ҳар биримизда аввало, мулкка эгаллик, ўз тақдирига ҳужайинлик туйғусининг шаклланиб бораётганлигида намоён бўлаётган. Яқка ҳокимликка асосланган, тоталитар тузумда айни шу туйғулардан мосуво ҳолда яшадик, итоатгўйлик қон-қонимизга сингиб кетганди. Шу боисдан ҳам қайси соҳани олиб қараманг, ишлар ўлда-жўлда, умумхалқ мулкига кўз олайтирадиганлар кўп эди. Энди эса тамомила бошқа манзарани кўриб турибмиз. Мулк, бойлик соҳиб бўлаётган юртдошларимиз элим, юртим деб эмин-эркин фаолият кўрсатмоқдалар.

Эгасизлик, юқоридадан буйруқ кутиб яшашга барҳам беришга қаратилган исчилик сиёсат бугун ўзини тўла-тўқис оқлади. Бундай дейишимизга етарлича асослар бор. Негаки, тарихан қисқа муддатда Ўзбекистон қаддини тиклади. Бугун унинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва овози бор. Бизни 70 йил мутеликда яшашга мажбур этишди. Унча-мунча одам кўзга ташланадиган бир иморат тиклашга юраги бетламаслигини эслашнинг ўзи қулгили ҳолдир. Ҳозир эса «мулким», «Ватаним», «Ерим», «бойлигим» дея гурурланиб юрган юртдошларимни кўриб, беихтиёр шукроналар айтаман. Буларнинг ҳаммаси истиқлол берган буюк неъмат эмасми?

2. Бугун шуни англаб етдикки, меҳнат қилган аслокам бўлмайди, орзу-умидларига эришади. Фақат вақтинчалик қийинчиликлар олдида қўл қовуштириб ўтирмаслик керак.

«Бухоросут»га янги раҳбар бўлиб келган кезларим иш анчайин оқсаб қолганди. Шу боис биринчи кундан бошлаб одамларнинг кўнглига йўл топишга, уларнинг янада унумлироқ ва баракалироқ меҳнат қилишлари учун кенг имкониятлар яратишга ҳаракат қилдим.

Асосий эътибор ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот қабул қилиш салмоғини ошириш, уни қайта ишлашга қаратилди. Шундай қилмас бўлмасдиям. Негаки, тез-тез бошиқларнинг алмаштирилиши натижасида жамоанинг корхона эртасига, раҳбарларга бўлган ишончига путур етганди.

Ўтган даврда корхонамиз билан ўзаро манфаатли шартнома тузиш истиқолида бўлган жамоалар сонини кескин ортди, Уларнинг орасида кўплаб фермер, яқка деҳқон ҳўжаликлари вакиллари бор.

Ҳозир аҳоли ва жамоалардан қабул қилиб олинган сўтнинг асосий қисмини парҳезбоп маҳсулотлар ҳамда музқаймоқ тайёрлаш учун фойдаланаямиз. Иш кўламини кенгайтира қориб, аҳоли дастурхонига кўплаб пишлоқ, бринза ва бошқа харидорнинг неъматлар етказиб бераётимиз.

3. Бугунги кунда корхонамиздаги учала цех ҳам тўла қувват билан ишламоқда. Бунда Фулом Тошев, Аҳмад Камолов, Чаман Бекназарова, Жўрабой Ашуров, Раҳим Жумаев сингари ишлаб чиқариш усталарининг хизматлари катта бўлаётган. Улар маҳсулот сифати ва харидорлигини таъминлаш учун кўндан келган ҳамма ишни қилаяптилар.

Надежда Файзуллаева бошиқ нозоратчилар гуруҳи ишининг боришини тўла нозорат қилиш билан бирга, жамоа аҳли учун чинакам ғамхўрлик кўрсатишга интилаётганликлари кишини қувонтиради.

Давр ҳар соҳада тадбиркорликни тақозо этмоқда. Ислохотларнинг чуқурлашувига кенг йўл очилмакда. 1998 йилда ҳаммаси бўлиб 106,5 млн. сўм маҳсулот сотилган бўлса, айни чоғда бу кўрсаткич 136 млн. сўмни ташкил этади. Ярим йилликни қарийб, 3 миллион сўм соф фойда билан якунландик. Бултур хиссдорларга ҳар бир акция учун 312 сўмдан дивидент берилган бўлса бу йил 500-600 сўмдан улуш тўғри келиши кутилаётган.

Олдимизда гоят масъулиятли вазифалар турибди. Ким, қаерда, қайси вазифада ишлашидан қатъи назар шуни унутмаслиги керак. Юқас масъулият, омилкорлик бўлсагина барча орзу-умидларимиз рўёбга чиқади.

нукталар бўлган бўлса, эндиликда 20 га яқин савдо масканларимиз бор. Замонавий транспорт воситалари орқали барча савдо дўконларига тайёр маҳсулотлар мунтазам равишда етказиб турилибди.

Жамоа аҳлига, хусусан, хотин-қизларга ғамхўрлик, кўп болали, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамлар уоштириш, ҳомийлик харақати кенг йўл очилмакда. Ишчиликнинг ҳам назаримиздан четда қолаётгани йўқ, 10 та болалар боғчаси, интернат мактаблари ва яқка-ёлғизлар, боқувчисини йўқотган кишилардан ҳам мурувватимизни аямаямиз.


4. 1998 йилда ҳаммаси бўлиб 106,5 млн. сўм маҳсулот сотилган бўлса, айни чоғда бу кўрсаткич 136 млн. сўмни ташкил этади. Ярим йилликни қарийб, 3 миллион сўм соф фойда билан якунландик. Бултур хиссдорларга ҳар бир акция учун 312 сўмдан дивидент берилган бўлса бу йил 500-600 сўмдан улуш тўғри келиши кутилаётган.

Олдимизда гоят масъулиятли вазифалар турибди. Ким, қаерда, қайси вазифада ишлашидан қатъи назар шуни унутмаслиги керак. Юқас масъулият, омилкорлик бўлсагина барча орзу-умидларимиз рўёбга чиқади.

**«Ишонч» мухбири  
Усмон НАВРЎЗ  
ёзиб олди.**

**МУНОСИБ ТУХФА**

Бунёдкорларимизнинг тинимсиз меҳнатлари тўғрисида Қарши туманининг маркази Бешкент шаҳри ҳам кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Туман марказидаги Мустақиллик майдонида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари натижасида шаҳар янада кўркамлашиб, ўзига хос жозиба касб этмоқда.



**Суратда: яқинда  
фойдаланишга топширилган маъмурий бинолардан бири.**

Шавкат СУЛТОН олган сурат.

**Ҳар инсон, ҳар фуқаро эътиборда**

**Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма кўмитаси 225 бошланғич ташкилотга эга. Кўмита икки ярим миллиондан кўп аҳолига хизмат қилувчи шифохоналар, илмий-тадқиқот институтлари, тиббий муассасалар, уч олий ўқув юрти, бешта ўрта махсус ўқув юртлари ходимлари ва талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор билан қарамокда.**

**Мухбиримиз Будар Пўлатов Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси Лола Жалоловага бир неча саволлар билан мувожаат этди.**

**- Битим, жамоа шартномалари ва меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз?**

- Аввало шуни айтиш керакки, битим, жамоа шартномаларини пухта тузиш ва унинг ижросини ташкил этиш қасаба уюшмаларининг биринчи

лат тиббиёт институти, 17-шаҳар клиник шифохонаси ва бошқа муассасаларда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишда арзигулик ишлар қилинган.

«Тоштўқимачи» хиссдорлик жамиятида бир йилга махсус иш қийимлари учун 440 минг сўмдан кўп, сут учун 160 минг сўмдан зиёд пул ажратилди. Мирзо Улугбек туманида имтиёз сифатида бериладиган сутнинг ўзига 550 минг сўмдан кўпроқ харажат режалаштирилган.

Стационар ва поликлиникаларда тиббиёт ходимлари учун дам олиш ва овқатланиш хоналари ажратилган. Йирик даволаш-профилактика муассасаларида техника хавфсизлиги

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, меҳнат муҳофазаси ва соғломлаштириш ишларининг бажарилишининг бориши ҳақида» ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

**- Ҳуқуқий ҳимоя юзасидан қандай ишлар қилинмоқда?**

- Меҳнаткашларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун биринчи навбатда қасаба уюшма ходимлари, фаоллар ҳуқуқий билимдон бўлишлари керак. Ана шу мақсадда кўп изланмоқдамиз, тадбирлар тузиб амалга оширмоқдамиз. Қасаба уюшма фаоллари, кадрлар бўлими, юридик хизмат ходимлари билан ўқувлар, семинарлар, давра суҳбатлари, тажриба алмашувлар ўтказмоқдамиз.

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ У ҚАНДАЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН?

галдаги вазифасидир. Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш нафақатда қароқчиликни қалқон қилишга қаратилган ишларнинг кўп қисми ҳақида шундай ҳолатлар юзасидан бир мунча ишлар қилинди.

Аёллар йили муносабати билан тармоқ битими-га, жамоа шартномаларига қатор қўшимчалар киритилди.

Масалан, тармоқда ишловчи 14 ёшгача уч ва ундан кўп фарзанди бўлган аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилган иш кўни белгиланди. Шунингдек, меҳнат таътилига ҳақ тўланадиган уч иш кўни қўшиб берилди. Митрофанов номили сув спорти мажмуида ишловчи аёллар ва уларнинг фарзандларига мингта чипта бериб ёзиб қўйилди. Аёллар ва уларнинг фарзандларига соғломлаштириш учун 35 миллион сўм ажратилди. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин.

бурчаклари ёки хоналари ташкил этилган.

Акмал Икромов туманидаги тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида ҳамма кулайликларга эга бўлган янги жарроҳлик биноси ва механизацияланган кир ювиш бўлими, 15-шаҳар шифохонасида капитал таъмирлаш ишлари адо этилиб, замонавий талаблар асосида меҳнат муҳофазаси шароитлари яратилган. Кейинги икки йилда шаҳар бўйича 3 минг нафардан кўп тиббий ходимлар меҳнат шароитлари яхшилаб берилди.

Битимга мувофиқ Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси даволаш-профилактика муассасаларини капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларига 1999 йилда 892 миллион сўм ажратган бўлса, унинг 15 фоизи меҳнат муҳофазаси масалаларини ҳал этишга сарфланган.

чиқаришда шикастланганлик учун тоvon пули, иш ҳақи тўлаш, ишдан бўшатишдаги қоидабузарликлар тилга олинди. Кейинги икки йилда 257 та меҳнат хати тушган. Уларнинг 29 фоизи ҳуқуқий қоидабузарликлар, 23 фоизи меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқаришда шикастланганлик учун тоvon пули, 24 фоизи меҳнат ҳақи, яна 24 фоизи турли масалалар ҳусусидадир. Ўтган даврда раҳбарлар томонидан нотўғри ишдан бўшатиш ҳоллари аниқланиб тўққиз киши ишига қайта тикланган.

Биз шикоят хатларини таҳлил этар эканмиз, асосий эътиборни уларнинг олдини олишга қаратмоқдамиз. Ана шу мақсадда соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси, шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши мутахассислари билан ҳамкорликда бевоқиф соғлиқни сақлаш муассасаларига бориб ишларни ўрганмоқдамиз ва камчиликларни жойида бартараф этиш йўлини тутмоқдамиз.

Шу билан бирга, бошланғич ташкилотларни адабиётлар билан таъминлашга ҳам биринчи даражада иш сифатида қаралмоқда. Яқинда соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси бош ҳуқуқ нозир К.Мухторов томонидан тузилган «Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигининг айрим масалалари», Марказий Кўмита етакчи мутахассислари Т.Циглиңцева ва Н.Иброҳимова томонидан тайёрланган соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг меъёрий ҳужжатлари тўплами бошланғич ташкилотларга тарқатилди.

**- Меҳнат муҳофазаси бўйича қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?**

- Шаҳар соғлиқни сақлаш муассасаларида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонунинг бажарилишини таъминлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Тармоқда ишловчиларнинг етмиш фоизга яқини хотин-қизлардир. Корхона ва муассасаларнинг қасаба уюшма кўмиталари ва маъмуриятлари бу йил аёлларга қулай ва хавфсиз иш шароитларини яратиш йўлида ибратли тадбирларни амалга оширдилар. «Тоштўқимачи» хиссдорлик жамиятининг тиббий санитария қисми, 1-шаҳар клиник шифохонаси, тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси, 1-Тошкент Дав-

**БАХТЛИ БОЛАЛИК**

Келажақ бунёдкорлари бўлган болаларимизнинг биздан ҳам донорлик ва бахтлироқ бўлишлари учун республикамиз ҳукумати ва кенг жамоатчилик қайғурмоқда.

Бу борада Пскент туманида ҳам ибрат олса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 17-болалар боғчасида бўлганимизда бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Бу ерда 120 нафар болажон тарбияланади. Юқори малакали 14 тарбиячи болаларга



она-Ватан, мустақил юртимиз, заҳматкаш халқимиз ҳақида қизиқарли ва сермазмун суҳбатлар асосида тунунча беришади. Кичиктарлар урф-одатларимиз, азалий аънаналар тўғрисидаги суҳбатларни мароқ билан тинглашади.

Суратда: Кичик гуруҳ тарбиячиси Мўтабар Ҳасанбоева болалар билан машғулот ўтказмоқда.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

**«Ишонч»га жавоб берадилар  
ЖИНОЙИ ИШ ҚЎЗГАТИЛДИ**

Рўзноманинг 1999 йил 19 июн сонидан чоп этилган «Қудудга ажал қилиш» сарлавҳали мақола Гулистон насл-паррандачилик ҳўжалиги жамоасида ва шаҳар ҳокимлигида корхона ва ташкилот раҳбарлари, вилоят аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бош давлат меҳнат техника инспектори иштирокида муҳокама қилинди.

Жамоада меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини янада тақомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди ва раҳбар, инженер-техник

ҳодимлар ўқиши ташкиллаштирилди.

Зарарли ишларда ишлайдиган ишчилар махсус кийим-бош билан етарли даражада таъминланди.

Гулистон насл-паррандачилик ҳўжалигида 1999 йил 5 июнда содир этилган бахтсиз ҳодиса юзасидан шаҳар прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилди.

Кўнгилсиз ҳодисаларни бартараф этиш ва келгусида тақдорланмаслиги йўлида барча чоралар кўрилмоқда.

**Р.ЮНУСОВ,  
Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.**

**Бугун Ўзбекистон байроғини дунёда танилтирдиган эл-элат қолмади, десам муболага эмас. Дарвоқе, бу байроқни кимлар жаҳонга кўз-кўз қилаётди?! Агар эътибор бераётган бўлсангиз юртимиз спортчилари жаҳон ареналарида кетма-кет ғолиблик наъшасини сурмоқдалар. Ғалаба шаънига кўтарилган байроғимизни кўрганларимизда дилимизда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Ҳўш, республикамизда спортга эътибор қандай? Уни оммалаштириш ишлари қай йўсинда олиб борилаётди? Бугунги кунда бу соҳада қандай ютуқ ва камчиликлар бор? Мухбиримиз ана шу саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси ўринбосари, халқаро тоифадаги спорт устаси Баҳодир Мухитдинович ТОЖИЕВ билан суҳбатда бўлди.**

**Баҳодир ТОЖИЕВ:**  
**СПОРТ**  
**ОММАВИЙЛИГИГА**  
**ЭРИШАМИЗ**

—Дунёвий давлат куриши йўлидан дадил одимлаётган бир пайтимизда спортнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши барчамизни бирдай руҳлантириш турибди. Доно Юртбошимизнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини бахтли келажакка пойдевор дейишимиз мумкин. Мамлакатда спортни ривожлантириш, аҳолининг кенг қатлами орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортнинг оммавийлигига эришиш жамиятимизнинг асосий диққат марказида турган долзарб масалалардан биридир.

Барча спорт иштирокчилари, мураббийлар, жонқуярларнинг чексиз қувончларига сабаб бўлаётган тарихий қарорлар қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бизга янада кенг имкониятлар яратиб берди.

Касабаси уюшмаларининг навбатдан ташқари севъидида 2005 йилгача бўлган спортни ривожлантириш дастури қабул қилинган эди. Ана шу дастур асосида ишларимизни режалаштириб ол-

ганмиз. Унда кўрсатилгандек, тармоқларда ҳам спорт клубларини ташкил этиш масаласи бугунги кунда изчил ечимини топаётди. Яна жамиятнинг асосий, муҳим ишларидан бири меҳнатқашлар (ишчилар)ни ва уларнинг оилаларини соғломлаштириш, спорт мақсадларини янада кўпайтириш, ривожлантириш ва ёшларни кенг жалб қилиш, маҳаллалар ва болалар уйлари билан ишларни йўлга қўйишдир. Бугунги кунга келиб бу борада муайян натижаларга эришдик ҳам.

Ҳозирда касабаси уюшмаларига қарашли 116 та спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда эллик мингга яқин одам спортнинг 39 тури бўйича, 1200 дан ортиқроқ спорт устозлари қўлида шугулланиб маҳоратларини оширмоқда. Спортчиларимиз Республика, халқаро турнирлар ва жаҳон чемпионатларида ўз иқтидорларини синовдан ўтказиб, фахрли ўринларни эгаллаётдилар.

Республика касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда бир неча турнирлар ўтказди. Паркент, Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтган курашнинг бухороча усули

бўйича республика турнири, мамлакатимизнинг барча туман ва вилоятларида ўтказилган Аёллар спартакиадаси шулар жумласидандир. Айниқса Самарқандда бўлиб ўтган Аёллар спартакиадасининг финал босқичида халқимизнинг бундай ўйинларга қанчалик ташна эканлигини янада чуқур хис қилдик. Унда 400 дан ортиқ иштирокчи (касба уюшмалари аъзолари) қатнашди. Лекин олтин мишга яқин томошабин йиғилади деб тасаввур ҳам қилмаган эдик.

Жойлардаги спорт илосмандларини топшиш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб туриш доимий диққат эътиборимизда. Вилоятларга сафарларимиз чоғида улар билан учрашамиз, амалга ошираётган ишларида яқиндан кўмаклашамиз. Бухоро вилоятига борганимизда спортчилар оиласи-Хасановлар билан учрашдик. Буни қарангки бир оилада бешта спортчи-бешаласи ҳам спорт устозлари, спорт усталлигига номзодлар. Бундай оилалар республикамизда кўплаб топилади. Фақат уларни кўллаб-қувватлаб, руҳлантириб турмоқ керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Аксарият спортчилар касабаси уюшмалари спорт клубларида етишиб чиқади. Улар деярли тайёр спортчи бўлганидан сўнг, яъни балогат ёшига етган жисмоний тарбия институтлари ёки клубларда таҳсилнинг давом эттирадилар.


Хамма жойда бўлгани каби бизда ҳам муаммолар йўқ эмас. Асосий оғрикли нуқталаримиздан бири спорт иншоотлари муаммосидир. Уларнинг камлигидан жойлардаги иншоотлардан ижарачи сифатида фойдаланишга мажбур бўлмоқдамиз. Ёки мавжуд спорт иншоотларини юрғизиш учун кетадиган харажатларнинг ўта юқорилиги бизни анчайин қийин ҳовлга солмоқда. Лекин ҳукуматимиз, Республика касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ёрдами тўғрисида ишларимизда силжиш бўлмоқда. Спортга қизиқувчиларнинг сони кундан кунга ошиб бораётди. Уларга имкон қадар шарт яратиб бериш асосий бурчимиздир. Ёшлар - ке-

**ЮРТИМ**

**Юртим, агар сендан сўз очсам, Ҳаяжоним сойингдек тошар. Таърифингга сўз дурич сочсам, Саҳифаси ўн мингдан ошар.**

**Тоғлар халқим бардоши мисол, Чашмаларинг қалбидек тиник. Изламасман бошқа бир тимсол, Зеро, бундай топилмас аниқ.**

Шоҳрух МИРЗО



**Мухбир бонг уради**

**Қашқадарё вилоятида 27 та болалар оромгоҳи бўлиб, уларда ҳозирданок 22 минг нафар бола саломатликларини тиклаб, хордик чиқариб кайтдилар. Яна қарий 8 минг бола олам-олам таасиротлар ичра ўтадиган марокли дамларни орзиқиб кутмоқда**

Яқинда касабаси уюшмалари вилоят кенгашида бўлиб ўтган йўғилишида болалар оромгоҳларида 1- ва 2-мавсум иш якунлари натижалари муҳокама қилинди. Яқкабоғ туманидаги «Автомобилчи», Мирзо Улуғбек номли, Шахрисабздаги Беруний номли, «Лочин», «Гулнора», оромгоҳларида болалар учун барча қулайликлар яратилганлиги боис дам олувчилар шодон кайфиятда уйга қайтганликлари алоҳида таъкидланди. Лекин Яқкабоғдаги «Соҳибқирон», Майна Ҳасанова номли, Китобдаги «Дўстлик» оромгоҳларида иш талаблар даражасида ташкил этилмаганлиги таъкидланди. Мазкур оромгоҳларда айниқса, болалар ризига кўз олайтириш ҳоллари юз берганлигини кечериб бўлмади. Масалан, «Соҳибқирон» оромгоҳида

болаларга берилмаган асални «берилди» деб қўрсатиш кимга керак бўлиб қолди?

«Дўстлик» оромгоҳида эса болаларга аталган кон-

манларига картошка серхосиллиги билан ажралиб туради. Бирок, бу маҳсулот ҳам бозордаги дан қимматроқ харид қилинаётганлиги қизиқ. Шунингдек, қарам, пиёз, сабзи сингари маҳсулотлар ҳам қиммат харид қилинганлиги учун қундалиқ оқватланиш нархи ҳам ножиоз «тузатиш»лар қилишга сабаб бўлмоқда.

Кенгашда, шунингдек, оромгоҳлардаги тарбиячилар билан дам олувчилар ўртасида маънавий-маърифий, оммавий-маданий тадбирлар ўтказишда ҳам камчиликлар борлиги ўқтирилди.

Кўпгина оромгоҳларга ҳомийлик қилаётган ташкилот ва муассаса раҳбарлари ҳатто ўтган йилги дам олиш пайтидаги қарзлари билан бемалол юришибди.

Оромгоҳларда учинчи мавсум ҳам бошланди. Кўрамиз, бу сафар катталар болалар имтиҳонидан қандай ўтшаркин?...  
**Шавкат СУЛТОНОВ,**  
**«Ишонч» муҳбири.**

**БОЛАЛАР НАСИБАСИ «ТУЯ» ҚИЛИНДИ**

фет «туя» қилинганга нима дейсиз? - Шакар, тухум, сариёғ, сўт сингари озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилди, дейди Агросаноет маъмуи ходимлари касабаси уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Ю.Селентьев. - Маҳсулотлар бозор нархидан анча қиммат. Шахрисабзда 1 килограмм сариёғ 500-700 сўмга тушган бўлса, Яқкабоғда 550-750 сўмга тўри келмоқда. Қурқ мевалар ҳам бозор нархидан анча қиммат. Кўпчиликка яхши маълумки, Шахрисабз, Китоб ва Яқкабоғ ту-

тарбиячилар билан дам олувчилар ўртасида маънавий-маърифий, оммавий-маданий тадбирлар ўтказишда ҳам камчиликлар борлиги ўқтирилди.

«Дўстлик» оромгоҳида эса болаларга аталган кон-

**Фахрия**

олти дақиқа илиқ гаплар гапирди. Бугун эса Хитойдан хушхабар келиб турибди. Мамлакатнинг жанубий шарқида Юн-Нан вилояти бор. Унинг маркази Кун-Мин деб аталиб, ниҳоятда гўзал, обод ва хушманзара шаҳар. Унинг марказий дам олиш ва истироҳат боғи дарахт ва гулларнинг кўплиги, ранго-ранглиги, хушхаволиги ҳамда кўнгличар тадбирларнинг хилма-хиллиги билан шаҳарга олтин узуннинг ёқут кўзидай ярашиқли.

**ЖАҲОН**  
**ТАНЛОВИДА**  
**ИККИНЧИ**

ридай «Хунарни асрабон неткумдир...» деб қўяди баъзан.

Ана шу баҳам қўриш иштиёқи билан бурноғи йилли Москва шаҳрининг 850 йиллигига бағишлаб рус радиоси ўтказган сиртки илмий-амалий конференция танловида қатнашди. Танлов саволлари жуда мураккаб ва хилма-хил эди. Уларга тўри жавоб бериш нафақат уч минг километр узоқда яшовчи оддий ҳосилот учун, балки Москванинг ўзида яшаб, бир умр ўқиб-ўрганиб юрган билимдонлари учун ҳам осон эмасди.

Мажид Бекзотов радиодан эътибор қилинган саволларга тўри жавоб бериб, танловнинг махсус дипломи билан тақдирланди. Москва радиоси ўзининг махсус эшиттиришида ҳамюртимиз ҳақида

«Хурматли Мажид Албасович» Сизга катта қувонч билан хабар қиламизки, Сиз Кун-Мин шаҳрида «Инсон ва табиат» туркумида ўтказилаётган «Богдорчилик-Парк санъати - 99» Бутунжаҳон кўргазмасининг Халқаро танловида иккинчи совринга сазовор бўлдингиз. Сизга алангали кутловимизни йўллаймиз ва келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Хитой Халқ Республикаси. Хитой Халқаро радиосининг рус бўлими.

Пахтакор туманидаги «Самарқанд» фермер хўжаликлари уюшмасида яшовчи Мажид Бекзотовга келган бу шошилнчнома қишлоқда қандай шов-шувга сабаб бўлиб, бошқаларда қандай фикр уйғотганини билмадим-у, лекин қаҳрамонимиз учун бу қутилмаган воқеа эмасди. Сабаби, у бундай халқаро танловда илгари ҳам қатнашган, ҳакамлар, танлов иштирокчиларидан илиқ сўзлар эшитиб, соврин ҳам олган эди.

Қизиқ, бунинг сирини нимада? У қандай қилиб дунёнинг қайсида эрида ўтказилдиган, аллақандай мавзудаги танлов мусобақасидан хабар топади-ю; унда иштирок этиб, совриндор бўлади? Нега у билан ёнма-ён яшаб, бирга ишлайдиган бошқа бир қишлоқдоши қўшни қўчадаги дабдабали тўй-тантанадан беҳабар қолади-ю, у Чин-Мочиндай олис мамлакатнинг танловидан хабардор бўлади?

Ўз-ўзимга шу саволларни берганимда баъзи қишлоқ одамларининг ўз қобилигига ўралиб қолмай, дунё воқеаларига муносабат билдиришга ҳаракат қилишдан, узоқ-узоқ юртларнинг одамлари-ю шаҳар-қишлоқларини билишдан, ҳатто уларнинг муаммолари ечимини ҳақида йўлашдан фахрланиб кетаман. Булар орамиздаги юксак маънавиятли, қомил маданиятли кишилар.

Мажид Бекзотов қишлоқнинг оддий ҳосилоти. Қарий ўттиз йил давомида чўл хўжаликлариди ҳосилот вазифасида ишлаган мутахассис. Мана,

**Биз билган ва билмаган дунё ЭНГ НОДИР ОЛМОС**

Олмослар жаҳонда кўпинча турли ривоят, афсоналарни келтириб чиқарган. Энг кўп ривоят асосан нодир олмослар ҳақидадир. Шуниси қизиқки, улар ўз соҳибларига доим бахтсизлик келтирган. Бу гапларнинг ҳақиқат эканлигини жаҳонда энг машҳур, табиатда жуда ҳам кам учрайдиган нодир рангли зангори-кўмиш ёқут - «Хоуп олмоси исботлайди». «Шох» олмоси жаҳонда энг ноёб, жуда кам учрайдиган, бетакор қимматбахо тош ҳисобланади. У бошқа олмослардан шафқофлиги билан фарқланади.

Жаҳондаги барча ноёб, нодир олмослар асосан Хиндистондан қазиб олинган. Энг сирлиси бу - «Шох» олмосга уйилган ёзувлар турли даврларга мансуб бўлиб, жуда ҳам осон ўқилади. Барча ёзувлар араб алифбосида бўлиб, форс тилида ёзилган. Уларнинг биринчиси, энг қадимийи «Бурҳон Низом шох 1000 йил» (мелодий 1591 йил), иккинчиси жуда нафис харфларда «Жаҳонгир шох ўғли Жаҳоншоҳ 1051 йил» (мелодий 1641 йил) ва учинчиси нафислигининг энг нозик усулида ёзилган: «Эгаси Кожар-Фатх Али шох султон 1242 йил» хижрий ( мелодий 1824 йил) жумлаларни ўқиймиз.

Бундан ташқари «Шох» олмоснинг диққатга сазовор томони - унинг қоқ ўртасидаги чуқурлиги 0,5 миллиметрга тенг ромб айланасидаги ингичка чизикдир. У чунонм аъло даражада бажарилганки, ҳозир лазер мосламаси ёрдамида ҳам шундай аниқ чизикни чизиб мушкулдир. Бу «Шох» олмоси ҳозир Россиянинг олмос фондидида сақланади. 1829 йил 30 январда Россиянинг Эрондаги элчиси Грибоевдов феокали ўлдирилгандан кейин, бошқа совғалар қаторида Россия подшоҳига совға қилинган эди.

Олмос табиатда учрайдиган ягона энг қаттиқ материалдир. Унга ҳозирги замонавий асбоблар билан ишлов бериш жуда қийиндир. Жаҳонда жуда кўп йиллардан бери қимматбахо тошларни ўрганиб, тадқиқот қилиб, «Қимматбахо тошлар» номли машҳур китобни ёзган Буюк Британия олими Гордон Смит «Шох» олмоси ҳақида шундай дейди: «Шох» олмосига ишлов бериб, ажойиб нафис ёзувлар ёзган, кўринишини шундай нодир ҳолга келтирган заргарларга қойил қоламан. Инсоннинг ақл заковатига сиймайдиган энг нозик ишлар бажарилган.

**И. ШЕРМУҲАММЕДОВ**  
**тайёрлади.**

Шаҳзод НАЗАРОВ тайёрлади.

**ISHONCH**  
**МУАССИС:**  
**Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир**  
**Мирғиёс ҚАЮМОВ**  
**Таҳрир хайъати:**  
**Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
**Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73**

**Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган**

**Маълумоти:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. **Нашир кўрсаткичи:** 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланади. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Соғушда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топшириш: 23.00